

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.03.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМОНОВ ЎКТАМ КАМОЛОВИЧ

**САНОАТ ГАЗ ЧИҚИНДИЛАРИНИ ТОЗАЛАШ УЧУН ЮҚОРИ
САМАРАЛИ НАМЛИ ЧАНГ ТОЗАЛАШ УСКУНАСИНИ ЯРАТИШ**

**02.00.16 – Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш
жараёнлари ва аппаратлари
(техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рахмонов Ўктам Камолович

Саноат газ чиқиндиларини тозалаш учун юқори самарали намли чанг тозалаш ускунасини яратиш 3

Рахмонов Ўктам Камолович

Создание высокоэффективного мокрого пылеулавливающего аппарата для очистки промышленных газовых выбросов..... 21

Rakhmonov Uktam Kamolovich

Developing an effective apparatus for fine cleaning of air from high-temperature and strong coherent aerosols..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.03.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМОНОВ ЎКТАМ КАМОЛОВИЧ

**САНОАТ ГАЗ ЧИҚИНДИЛАРИНИ ТОЗАЛАШ УЧУН ЮҚОРИ
САМАРАЛИ НАМЛИ ЧАНГ ТОЗАЛАШ УСКУНАСИНИ ЯРАТИШ**

**02.00.16 – Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш
жараёнлари ва аппаратлари
(техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Т36 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Раҳмонов Тойир Зойирович техника фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Мухиддинов Джалолиддин Насырович техника фанлари доктори, профессор Авазов Юсуф Шодиевич техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент кимё-технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc27.06.2017.Т.03.02 рақамли Илмий кенгашнинг «__»__ 2020 йил соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 246-03-41).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» __ куни тарқатилди.
(2020 йил «__» __ даги __ - рақамли реестр баённомаси).

Н.Р.Юсупбеков

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор, академик

У.Ф.Мамиров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Х.З.Игамбердиев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сўнги вақтларда атмосфера ҳавосининг ифлосланиши олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу соҳада энг муҳим муаммолардан бири хом ашё ва энергия ресурсларидан тўла ва рационал фойдаланиш, атмосфера ҳавосини sanoat корхоналарининг аэрозолли чиқиндилари зарарли таъсирларидан экологик жиҳатдан асраш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан корхоналарни техник ва технологик қуроллантиришни янада тезроқ амалга ошириш, замонавий мослашувчан технологияларни иқтисодиётнинг асосий соҳаларига кенг жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда sanoat корхоналарида технологик қурилмаларнинг унумдорлигини ошириш, ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш, маҳсулотлар таннархини пасайтириш ва уларнинг сифатини ошириш, экологик вазиятни яхшилаш имконини берадиган юқори самарали жараёнлар, қурилмалар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва кенг жорий қилиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, турли ишлаб чиқариш корхоналаридан атмосферага ташланаётган газлар таркибидаги субмикрон заррачаларни тозалаш самарасини оширишга хизмат қиладиган самарадорлиги юқори, энергия ва ресурс тежамкорликни таъминловчи такомиллашган технологияларни яратиш зарур.

Республикамизда йирик sanoat, металлургия, кимё, кончилик корхоналаридан атмосферага ташланаётган чангли газлардан тозалашда энергия ва ресурс тежамкорликни таъминловчи, такомиллашган қурилмаларни яратишга катта эътибор қаратилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сарфини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергиятежамкор технологияларни жорий этиш, иқтисодиёт тармоқларидаги меҳнат унумдорлигини ошириш»¹ муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, юқори самарадорлик, фойдаланиш ишончилиги, кам энергия сифимлилик каби талабларни қаноатлантирувчи, sanoat газли чиқиндиларини аэрозоллардан чуқур тозалаш учун самарали намли чанг тутиш қурилмасини ишлаб чиқиш долзарб ва зарурий масала бўлиб, атмосфера ҳавосини тоза сақлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-2915-сонли «Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ва 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

тармоқлари иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қўзғалувчан (ҳаракатчан) насадкали қурилмаларнинг назарий ва тажрибавий тадқиқоти билан кўплаб хорижлик олимлар, жумладан Д.А.Баранов, О.С.Балабеков, В.Ф.Беккер, А.Ю.Вальдберг, Ж.Диксон, А.А.Заминян, С.Калверт, И.Ф.Киссельман, С.Паджиол, В.Н.Рамм, В.Страус, В.Г.Систер, Э.Я.Тарат, В.И.Энтин, Н.В.Фрякин, ва бошқалар ҳамда мамлакатимиз олимлари, жумладан В.И.Левш, Дж.Н.Мухиддинов, З.С.Салимов, Н.Р.Юсупбеков, А.Т.Саидазимов ва бошқа олимлар шуғулланишган.

Ушбу олимларнинг илмий ишларида уч муҳитли ҳаракатчан қатламни ҳосил қилиш механизмлари, турли ишчи катталикларнинг чанг тутиш самарадорлигига таъсири, уч муҳитли қатлам газли таркибини аниқлашнинг назарий асослари, турбулент оқимда суюқликни тутиш миқдори, уч муҳитли мавҳум қайнаш (ҳаракатчан) қатламли чанг тозалаш қурилмаларининг турли конструкцияларидан фойдаланиш ва амалий қўллаш масалалари ўрганилган.

Шу билан бирга тадқиқотларда ҳаракатчан насадкали чанг тозалаш қурилмаларини ва технологияларини такомиллаштириш, жумладан чанг тозалаш қурилмаларида субмикрон ўлчамли заррачаларни тозалашнинг самарадорлигини ошириш; энергия харажатларини камайтириш бўйича етарлича эътибор қаратилмаган. Бугунги кунда заррачаларнинг келиб чиқиш табиати, уларнинг ўлчамига кўра тақсимланишларини эътиборга олган ҳолда субмикрон ўлчамли заррачаларни чуқур тозалаш мақсадида юқори самарадор ва энерготежамкор тўғри оқимли қурилмаларни яратиш учун кўп муҳитли оқимларни тозалаш тизимларидаги жараёнларни жадаллаштиришнинг мавжуд истиқболли йўлларини таҳлил қилишга асосий эътибор қаратилмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-3-94-«Энергиядан самарали фойдаланувчи регенератив ҳаво қиздиргични ишлаб чиқиш» (2015-2017), ИОТ-2015-1-31 - «Стандартлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш тизимларининг сифатни бошқаришдаги ўрни» номли ўқув қўлланмасини нашр этиш ва умумтехник регламентни амалиётга жорий этиш (2015-2016), ОТ-А3-58 - «Иссиқлик олиш технологик чизмасида тутун газларининг иссиқлигидан

максимал фойдаланиш усули билан иссиқлик энергия ишлаб чиқариш энергия самарадорлигини ошириш» (2016-2018) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади саноат газли чиқиндиларини аэрозоллардан чуқур тозалаш учун юқори самарали намли чанг тозаловчи қурилмани ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

саноат газли чиқиндилари таркибидаги аэрозолларни намлаш ва совитиш, чўктириш жараёнларининг самарадорлигига таъсир этувчи омилларни ҳамда тозалаш самарадорлигини ошириш учун газлар ҳароратидан фойдаланишнинг оптимал усулларини ўрганиш;

газ-суюқлик қатламидаги дисперс заррачалар ҳаракатланишининг назарий асосларини, математик моделларини, майда дисперс заррачаларнинг чўқишини ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

чанг тозалаш янги қурилмасининг оптимал гидродинамик ва технологик тавсифларини аниқлаш учун тажриба қурилмасида тадқиқотлар ўтказиш ҳамда олинган натижаларни таклиф этилган эмпирик формулалардан фойдаланиб таҳлил қилиш;

газли чиқиндиларни аэрозоллардан тозалаш учун самарали қурилма ҳамда янги қурилмадан саноат чиқиндиларини майда дисперс аэрозоллардан чуқур тозалаш технологик схемаларида фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти чанг тозалаш қурилмаси, чангли газ, дисперс тизим, майда дисперс заррачаларни намлаш ва чўктириш жараёнлари ҳамда чангларни тозалаш жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети майда дисперс заррачаларни самарали тозалаш омиллари, модель ва саноат чанглари фракцион таркибини аниқлаш, кам энергия сиғимли ва ҳаракатчан насадкали юқори самарадор чанг тозалаш қурилмаларини ишлаб чиқиш, ҳисоблаш ва фойдаланиш билан боғлиқ муаммолар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида математик моделлаштиришнинг синовдан ўтган замонавий усуллари, ўлчашларнинг замонавий воситалари ва асбобларидан фойдаланиб, аэрозолларни чўктириш ва гидродинамика бўйича тажрибаларни ўтказиш ҳамда тажриба маълумотларига ишлов беришнинг статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

чангли газларни тўғри оқимли янги тирсақли қурилманинг гидравлик катталиклари ва конструктив хусусиятларини эътиборга олган ҳолда уч муҳитли газ-суюқлик қатламининг энергия сарфларига таъсир этувчи омиллар аниқланган;

дисперс заррачаларнинг газ-суюқлик қатламида ҳаракатланишнинг математик модели ишлаб чиқилган ва майда дисперс заррачаларни чўктириш жараёни самарадорлигини ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган;

ҳаракатчан насадкали тўғри оқимли қурилманинг энергия сарфларига кўра газ сиғими ва суюқликни тутиб туриш миқдорини аниқлаш имконини берадиган эмпирик формулалар яратилган;

тирсакли чанг тозалаш қурилмасида газларни чангдан тозалаш самарадорлигини аниқлаш учун тенглама ишлаб чиқилган;

ўлчами бир микрондан кичик механик заррачалардан 95-98% самарадорликда тозалаш имконияти мавжуд бўлган янги қурилма ишлаб чиқилган;

саноат газларини чангдан чуқур тозалаш учун, шу турдаги қурилмаларга нисбатан, гидравлик қаршилиги 20-25% га кам бўлган янги, самарали чанг тозалаш қурилмаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

саноатнинг газли чиқиндиларини аэрозоллардан тозалаш учун нам турдаги самарали чанг тозалаш қурилмаси ишлаб чиқилган;

саноатнинг газли чиқиндиларини тозалаш жараёнларининг оптимал режимли катталикларини ҳисоблаш учун эмпирик тенгламалар аниқланган ва ишлаб чиқилган;

таркибида майда дисперс аэрозоллар бўлган саноат чиқиндиларини чангли газнинг дисперс таркиби ва ҳароратига кўра чуқур тозалашнинг технологик схемаларида янги қурилмадан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги шахсий тажриба маълумотлари ва назарий натижаларнинг адабиётлар манбаларидаги тажриба маълумотлари ва назарий ҳисоблашларига мувофиқлиги; ўтказилган тадқиқотлар асосида ҳисобланган ва лойиҳаланган қурилманинг саноатда муваффақиятли фойдаланиши билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти газ тўғри оқимли тирсакли қурилма газ-суюқлик қатламининг ушланилган суюқликмиқдори ва газ сиғими ҳамда энергия сарфларини аниқлаш учун биринчи бора эмпирик формулалар келтириб чиқарилганлиги; саноат газли чиқиндилари таркибидаги майда дисперс аэрозолларни намлаш, совитиш ва чўктириш жараёнлари самарадорлигига таъсир этувчи омиллар аниқланганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти саноат газли чиқиндиларини тозалаш учун самарали намли чанг тозалаш қурилмасини ишлаб чиқиш ва чанг тозалаш жараёнларининг оптимал режимли катталикларини аниқлаш ҳамда саноат чиқиндиларини чуқур тозалашнинг технологик схемаларида янги қурилмадан фойдаланиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Саноат газ чиқиндиларини тозалаш учун юқори самарали намли чанг тозалаш ускунасини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

чангли газларни тозалаш қурилмасига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (№IAP 03839,

2008 й.). Натижада қурилма саноат газларини майда дисперс аэрозоллардан кам энергия сарфи билан чуқур тозалаш имконини берган;

чангли газларни чуқур тозалаш учун ишлаб чиқилган, самарали ва энергиятежамкор қурилма “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖнинг таъмирлаш-механик заводида амалиётга жорий этилган (“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖнинг 2019 йил 6 июлдаги 04-04168-сон маълумотномаси). Натижада аспирациялаш тизими АС-2да ҳавонинг чангдан тозалаш самарадорлигини 95-98% ошириш ва янги қурилманинг гидравлик қаршилигини шу турдаги қурилмаларга нисбатан 20-25% га камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари илмий маърузалар кўринишида 6 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, шулардан 14 таси – Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий нашрлардаги мақолалар, жумладан, 1 таси хорижий ва 13 таси республика журналларида, халқаро ва республика анжуманларида 9 та тезис нашр этилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан 1 та ихтирога патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 111 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги асосланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, тадқиқот натижаларини апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи бобда «**Саноат газларини аэрозоллардан тозалаш жараёни ва қурилмаларнинг замонавий ҳолати ва ривожланиш истиқболлари**» турли техник адабиётлар асосидаги материаллар таҳлили, саноат газларини аэрозоллардан тозалаш жараёнлари ва қурилмаларининг замонавий ҳолати ва ривожланиш истиқболлари таҳлиliga бағишланган.

Чангларни тозалаш ва масса алмашиниш жараёнларини жадаллаштиришнинг истиқболли йўналишларидан бири ҳаракатчан жисмлар қатламида газ-суюқлик оқимларининг ўзаро таъсирлашиш тамойилидан фойдаланиб, қурилмалар ишлаб чиқиш ҳисобланади. Ҳаракатчан насадкалар қатламига эга газ-чангларни тозалаш қурилмаларининг самарадорлигини

ошириш, хусусан қурилма иш соҳасига газни киритиш конструкциясини яхшилаш, муҳитларнинг тўқнашиш юзаларини янгилаш ва жадал ўзаро таъсирлари билан боғлиқ бўлган фойдаланилмаган захиралар мавжудлиги аниқланган.

Диссертациянинг «**Чангли газларни тозалаш қурилмасининг гидродинамик тавсифларини тадқиқ этиш**» номли иккинчи боби чангли газларни тирсакли чангдан тозалаш қурилмасининг гидродинамик тавсифларини тадқиқ қилиш натижалари келтирилган. Конструктив ўзгаришлар ва газ тирсаксимон киритиладиган қурилма хусусиятларининг чанг тозалаш жараёни гидродинамик катталикларига таъсирини аниқлаш учун лаборатория қурилмасида тадқиқот ўтказилди (1-расм).



1-расм. Лаборатория қурилмасининг схемаси: 1-колонна; 2-сиғим-тўплагич; 3-сепаратор; 4-сув узатиш канали; 5 ва 6-насослар; 7-ротаметр; 8-диафрагма; 9-кузатиш ойнаси; 10-газ ҳайдагич; 11-уурма ҳосил қилгич; 12-шибер; 13-сиғим.

Қурилма ички диаметри 250 мм, иш соҳаси баландлиги 1500 мм бўлган икки секцияли колонна 1 дан иборат бўлиб, қурилманинг юқори қисми ўқли уурма ҳосил қилувчи 11 га эга сепаратор 3 билан таъминланган, сепарациялаш қисмининг диаметри 500 мм, баландлиги 680 мм. Колоннага ҳаво юқори босим вентилятори ВД-6-10 билан берилди. Қурилма орқали ўтувчи ҳаво сарфи шибер 12 орқали ростланиб, стандарт камерали диафрагма ДКН-150-8 ёрдамида ўлчаниб борилди. Қурилмага сув сиғим 2 дан ёки 13 дан марказдан қочма насос 6 орқали берилди. Сув сарфи ротаметр РС-7 билан ўлчанди. Жараённи кузатиш учун кўриш ойнаси 9 дан фойдаланилди. Колонна секциялари (қуйи ва юқори) гардишли боғланиб, улар ўртасига таянч панжаралар маҳкамланди. Қурилманинг гидравлик қаршилигини аниқлаш учун ушбу нуқталарда босим ўлчаш штуцерлари ўрнатилди. Бунда қурилма иш соҳасидаги босимлар фарқини таянч панжара қаршилигини эътиборга олмасдан


ўлчаш имкониятлари назарда тутилган. Таянч панжарадаги, ҳаракатчан насадка қатламидаги босимлар фарқи, газ оқимининг тезлиги ва насадканинг 100, 150, 200, 250 мм ли статик қатламларидаги сув бериш зичлигига боғлиқ ҳолда қурилмадаги умумий босимлар фарқи дифманометр ёрдамида ўлчанди. Тадқиқот газнинг тезлиги $U_r=10-20$ м/с ва сув бериш зичлиги $L=20-100$ м³/м²соат ёки 0,56-2,78 м/с бўлган ҳолда ўтказилди. Углеродли пўлатдан тайёрланган, панжаралари эркин кесими 26,0; 34,0; 45,0 ва 59,0% бўлган элакли турдаги таянч-тақсимлагичли панжарадан фойдаланилган. Насадкалар сифатида ўлчами 20x20 мм, массаси 30-40 г бўлган резинали насадкалар ишлатилди. Ускунада қоладиган суюқлик миқдорини аниқлаш учун таъминотни узиб қўйиш усулидан фойдаланилиб, колоннадан чиққан суюқлик ҳажми ўлчаниб борилди.

Тажириба бошланишидан олдин қуруқ насадкалар қурилманинг таянч панжарасига зарурий баландлигигача юкланди. Кейин қурилмага сув берилди, вентилятор орқали колоннанинг қуйи қисмидан эса ҳаво берилди. Суюқлик ва газнинг зарур сарф миқдорлари ўрнатилиб, қурилма турғун иш режимига чиққач, босимни ўлчаш амалга оширилди. Ташқи кузатишлар шуни кўрсатдики, газнинг тезлиги ошиши билан қўзғалмас насадкалар босқима-босқич ҳаракатчан ҳолатга ўтди. Дастлаб насадкалар қатламининг ҳаракатларсиз кенгайиши кузатилди. Кейин баъзи ҳалқалар титрай бошлади, бирламчи қатламнинг юқори қисми ва ниҳоят, бутун қатлам ҳаракатга келди. Панжаранинг юқори қисмидан насадкалар қатламининг юқори чегарасигача бўлган қатламнинг динамик баландлиги H_d қурилма корпусига бириктирилган ўлчаш чизғичи ёрдамида ўлчанди. Суюқлик томчиларини кўндаланг кесими ва ажратиш қисмининг баландлиги бўйича тарқалиш майдонини аниқлаш учун махсус асбобдан фойдаланилди. Газнинг бир маромда тарқалишини таъминлаш учун ҳавонинг тезлиги $10\div 12$ м/с чегарасида сақлаб турилди. Суюқлик қатламининг баландлиги 35 дан 75 мм гача ораликда ўзгартириб турилди.


Газ миқдорини ўлчаш ҳар 5 мм да махсус асбоб ёрдамида бажарилди. Тадқиқот учун таркибида 3% гача фаол юзали модда ушлаган, ҳарорати 30-60⁰С бўлган сув-ҳаво аралашмаси олинди.

Газ-суюқлик қатламининг гидродинамикаси газнинг кинетик энергияси ЭК ва суюқликнинг потенциал энергияси ЭП – тесқари таъсир энергиясининг нисбатлари билан ҳам тавсифланиши мумкин. Сув бериш зичлигининг 80-100 м³/м²соат (м/соат) катта қийматлари ва насадка қатламининг 200-250 мм статик баландлигида айрим локал ҳудудларда, асосан деворга яқин соҳаларда, суюқлик пастга оқиши кузатилди. Биз бу режимни оқимчали-томчили деб номлашни таклиф этдик. ЭК>>ЭП бўлганда оқимчали-пуркаш режимининг иккинчи босқичи юзага келди. Суюқлик майда томчиларга ажралиб, ҳаво билан чиқиб кетиши кузатилди. Газ узлуксиз, суюқлик эса дисперс муҳитни намоён этди. Қурилманинг иш соҳасида газ-суюқлик оқимининг бир маромда тақсимланиши кузатилди. Суюқлик, асосан, кичик томчилар ва қатралар кўринишида бўлади.

Таърибанинг алоҳида натижалари 2- ва 3-расмларда келтирилган.



Газ тезлиги, м/с: ◇—10; ■—12; ▲—14; ×—16; *—18; ●—20;



Намлаш тезлиги, м/с: ●—20; ■—40; ▲—60; ×—80; *—100

2-расм. Газ тезлигининг турли қийматларида гидравлик қаршиликнинг “қуруқ” таянч панжара эркин кесимига боғлиқлиги.

3-расм. Намлаш зичлигининг турли қийматларида гидравлик қаршиликнинг газ тезлигига боғлиқлиги.

Табиийки, қурилмадаги мос гидродинамик ҳолатни таъминловчи энергия манбаи газ оқими ҳисобланади. Бу ерда ҳаракатчан насадкаларнинг роли газнинг кинетик энергиясини ташиш ва трансформациялашдан иборат. Насадкаларнинг ҳаракатчан элементлари газ-суюқлик оқимчалари билан тўқнашиб, уларни аралаштиради ва шу орқали томчиларни коалесценцияланишига имкон бериб, оқимчаларни тақсимлайди ва муҳитларнинг учрашиш юзаларини янгилайди. Тезлиги 15 м/с дан юқорироқ газ оқимининг энергияси насадкалар қатлами ҳаракатини енгиш, суюқликнинг оқимчалар, томчи ва қатраларга тақсимланишига ва энг асосийси таъсирланиш юзаларининг янгилиниши учун суюқликни узатишга сарфланади. Ҳаракатчан насадкали (ХН) қурилмаларнинг деярли барча конструкцияларида масса алмашиниш жадаллигининг юқорилиги ва заррачаларнинг тозаланишини асословчи омиллардан бири суюқликнинг қурилмада туриб қолишининг ортиши бўлиб, бу ўз навбатида, “газ-суюқлик” муҳитлари ўртасидаги юзанинг ортишига олиб келади. Бундан ташқари, ушланган суюқлик миқдори (УСМ) кўпгина гидродинамик омилларни белгилаб беради ва чангни тозаланиш жараёнига аҳамиятли даражада таъсир қилади.

Мисол сифатида 4-расмда насадкасиз суғоришнинг турли зичликларида УСМнинг газнинг тезлигига боғлиқлиги кўрсатилган. Кўринадикки газ тезлигининг ортиши УСМнинг камайишига олиб келади.

Насадка қатламининг баландлиги ортиши билан УСМ ўсиб боради (5-расм), бу эса тозалаш самарадорлигининг ошишига хизмат қилади.


Ҳаракатчан насадкали тўғри оқимли қурилмада УСМни ҳисоблашда қуйидаги фаразлар қабул қилинди:

1. Ҳалқасимон насадкаларнинг тешикларида муҳитларнинг ҳаракати – қатламли. Қурилманинг иш соҳасида суюқлик сочилган томчилар кўринишида, насадкаларнинг сиртида эса – юпқа қатлам кўринишида


тақсимланган бўлиб, унинг қалинлиги кесим бўйича газнинг тезлиги билан белгиланади;

2. Муҳитлар чегараси сиртида босимнинг ишқаланиш ҳисобига йўқотилиши нолга тенг;

3. Қурилманинг оқимга кўндаланг бўлган кесимининг ихтиёрий нуқтасидаги статик босим ўзгармас қийматга эга.



4-расм. Насадкасиз намлашнинг турли зичликларида ушлаб турилган суюқлик миқдорини газнинг тезлигига боғлиқлиги



5-расм. Газ тезлигининг турли қийматларида ушлаб турилган суюқлик миқдорини насадка қатлами баландлигига боғлиқлиги

Қабул қилинган фаразларни эътиборга олган ҳолда, нуқтадаги статик босим тенгламасини қуйидаги кўринишда ёзамиз:

$$\Delta P_c = \Delta P_r, \quad (1)$$

Қурилманинг умумий баландлиги L ни эътиборга олсак:

$$\frac{\Delta P}{L} = \frac{\Delta P_{жс}}{L} - g\rho_{жс} = \frac{\Delta P_r}{L} - g\rho_r, \quad (2)$$

бу ерда ΔP – босимнинг йўқотилиши, Па; L – қурилма ишчи соҳасининг баландлиги, м; g – эркин тушиш тезланиши, m^2/c ; c, ρ – суюқ ва газнинг муҳитлар индекслари.

Ҳар бир муҳитнинг босими йўқотилишини насадка ва оқимнинг тавсифлари орқали ифодалаш мумкин. Маълумки, бир муҳитли ҳаракатда босимнинг йўқотилиши қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\frac{\Delta P}{L} = K_1 \mu U_0 \frac{4}{9\varepsilon D_3^2} + K_2 \rho U_0^2 \frac{2}{3\varepsilon^2 D_3^2}, \quad (3)$$

бу ерда K_1 ва K_2 – ўзгармаслар; ε – насадкаларнинг ғоваклиги; μ – ковшоқлик, Па·с; U_0 – қурилманинг тўла кесимидаги чизиқли тезлик, м/с; D_3 – тешикларнинг эквивалент диаметри, м.

D_3 нинг қиймати қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$D_3 = \frac{2(1-\varepsilon)}{3D_3\varepsilon}, \quad (4)$$

бу ерда D_H – насадканинг эквивалент диаметри бўлиб, кейинги формула билан аниқланади:

$$D_H = 6/S_H, \quad (5)$$

бу ерда S_H – ҳажм бирлигидаги насадканинг юзаси, $1/m^3$.

(3)ни ҳисобга олиб, (2) тенгламани қуйидаги кўринишда ўзгартириш мумкин:

$$\frac{\Delta P}{L} = X_{жс} \frac{\Delta P_{жс}}{L} + (1 - X_{жс}) \frac{\Delta P_{Г}}{L} - g \rho_{см} \quad , \quad (6)$$

бу ерда X_c – туриб қоладиган суюқлик миқдори; $\rho_{см}$ – газ-суюқлик оқимининг зичлиги;

$$\rho_{см} = X_c \rho_c + (1 - X_c) \rho_{Г} \quad (7)$$

(6) тенгламани X_c орқали ифодалаб, қуйидаги ифодани оламиз:

$$X_c = \frac{\Delta P - \Delta P_{Г}}{\Delta P_c - \Delta P_{Г}} \quad (8)$$

Шундай қилиб, энергия сарфига боғлиқ ҳолда, УСМни аниқлаш имконини берувчи формула келтириб чиқарилди. Уч муҳитли тўғри оқимли ҳаракатчан қатламнинг ҳолатини тавсифловчи, қатламнинг баландлиги ва суюқликни туриб қолишига боғлиқ бўлган муҳим катталиқ газ сиғими ҳисобланади. ҚНли қурилманинг динамик қатламидаги муҳитларнинг солиштирма учрашиш юзаси катталиги газ сиғимига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам биз қурилмадаги газнинг тезлиги, суғориш зичлиги ва насадкаларнинг ҳажми (статик қатламнинг баландлиги) каби катталиқларнинг газ сиғимига таъсирини аниқлаш бўйича тажриба тадқиқотларини ўтказдик.

Қурилманинг эркин кесимидаги ҳаво тезлигини 10 дан 20 м/с гача, намлаш зичлигини 20 дан 100 м³/м²соатгача, ҳалқали насадкалар статик қатлами баландлигини 100 дан 250 мм гача ўзгартирдик. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

Насадкалар қатламининг газ сиғими – бу қатламнинг газ билан тўлдирилган ҳажми $V_{Г}$ ни қатламнинг умумий ҳажми $V_{ум}$ га нисбатидир:

$$\varphi = \frac{V_{Г}}{V_{ум}} = \frac{V_{ум} - V_c - V_H}{V_{ум}} = 1 - \frac{V_c - V_H}{V_{ум}} \quad (9)$$

Агар газли муҳитнинг ўртача диаметри d_n бўлган пуфаклар деб тасаввур қилсак, унда газли қатламнинг ҳажмини қуйидаги формула бўйича аниқлаш мумкин:

$$V_{Г} = n_n \frac{\pi d_n^3}{6} = 0,523 d_n^3 \cdot n_n \quad (10)$$

бу ерда n_n – пуфаклар сони, d_n – пуфакнинг диаметри.

Агар газ-суюқлик тизимидаги суюқлик томчилар шаклида тақсимланган бўлса, унда газ муҳитини қуйидаги формула орқали аниқлаш мумкин:

$$V_{Г} = V_{ум} - n_k \frac{\pi d_k^3}{6} = V_{ум} - 0,523 d_k^3 n_k \quad , \quad (11)$$

бу ерда n_k – қатламдаги томчилар сони; d_k – томчининг ўртача диаметри.

Умумий барботажли қатламнинг ҳажми қуйидаги ифодадан аниқланади:

$$V_{ум} = HF_{қат} \quad (12)$$

бу ерда H – қатламнинг баландлиги, биздаги ҳолда қурилманинг ишчи соҳасини баландлиги; $F_{қат}$ – қатламнинг кесим юзаси.

Ҳалқали насадкалар билан банд қилинган қатламнинг ҳажми қуйидаги формула билан аниқланади:

$$V_H = \frac{\pi d_H^3 \cdot h_H}{4} \cdot n_H, \quad (13)$$

бу ерда d_H – ҳалқали насадка диаметри; h_H –насадканинг баландлиги; n_H – насадкалар сони.

Суюқлик ҳажми қуйидаги формула билан аниқланади:

$$V_c = \frac{G_c}{\rho_c}, \quad (14)$$

бу ерда G_c – тутиб қолинган суюқлик массаси; ρ_c –суюқликнинг зичлиги.

$d_H \approx h_H$ бўлган ҳолатлар учун формулани қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$V_H = 0,785 d_H^3 d_H. \quad (15)$$


(11)-(15) боғлиқликларни (9) га қўйиб, қуйидаги ифодани оламиз:

$$\varphi = 1 - \frac{0,523 d_H^3 n_H}{H F_{\text{кат}}}. \quad (16)$$

Олинган (16) формула насадка қатламининг катталикларига кўра газ сиғими қийматини аниқлаш имконини беради. Газ сиғимининг тажрибавий ва ҳисобий қийматларининг солиштирма таҳлили (16) формуланинг ўртача хатолиги 4-7% ни ташкил этишини кўрсатади.

Учинчи бобда «**Чангли газларни тозаловчи тирсакли қурилмада аэрозол зарраларнинг чўкишини тадқиқ этиш**» газ тирсакли чанг тозалаш қурилмасида аэрозолли заррачаларни чўктириш жараёнларини тадқиқ қилиш натижалари тавсифланган.

Модель чанг, яъни резинани ёқишдан ҳосил бўлган тутунда ўлчами 1 мкм дан кичик бўлган субмикрон заррачаларнинг улуши 50 % га яқин. Модель чангни тозалаш самарадорлигини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотларда газли оқим тезлигини 15÷20 м/с оралиғида, намлаш зичлигини эса $-2,8 - 14 \cdot 10^{-3}$ м/с оралиқда ўзгарттирдик. Тозалаш самарадорлигининг тезликка боғлиқлиги 6-расмда келтирилган.




6-расм. Намлаш зичлигининг турли қийматлари ($L \times 10^3$, м/с)да чангдан тозалаш самарадорлигини газ тезлигига боғлиқлиги.

Графикдан кўриниб турибдики, газ тезлигининг ортиши билан тозалаш самарадорлигининг ошиши кузатилмоқда. Бироқ, 15÷17 м/с тезликда

самарадорлик 80% чегарасида бўлди. Кейинроқ тезлик 19÷20 м/с гача ортиши билан самарадорлик 90÷92% га етди. Тажриба натижаларидан кўринадикки, $2,8 \div 5,6 \cdot 10^{-3} \text{ м/с}$ намлаш зичлигида тозалаш самарадорлиги барқарор ошиб боради, $5,6 \cdot 10^{-3} \text{ м/с}$ дан катта зичликларда эса тозалаш самарадорлиги кескин ошиши кузатилади.

Кейинги чангни тозалаш самарадорлиги ўзгаришининг гидравлик қаршилиққа боғлиқлиги графигида (7-расм) тозалашнинг максимал самарадорлиги 95 % га 5,4 кПа энергетик сарфда эришилишини кўрсатмоқда.



7-расм. Иш катталиклари $U=18 \text{ м/с}$, $L=14 \cdot 10^{-3} \text{ м/с}$, $H_{ст}=150 \text{ мм}$ бўлганда чангдан тозалаш самарадорлигининг гидравлик қаршилиққа боғлиқлиги

Намлаш зичлиги $L=60 \text{ м}^3/\text{м}^2\text{соат}$ ва $K=0,98$ корреляция коэффициентиди моделдаги чангни тозалаш самарадорлигини газнинг тезлигига боғлиқлиги қуйидаги формулага эга:

$$\eta = 9,6 \cdot 10^{-3} U^{3,21}. \quad (17)$$

Газнинг тезлиги 17 м/с бўлганда майда дисперс заррачаларни тозалаш даражасини намлаш зичлигига боғлиқлигини корреляция коэффициентиди $K=0,98$ бўлган қуйидаги эмпирик боғлиқлик билан тавсифлаш мумкин:

$$\eta = 0,99 L^{1,3}. \quad (18)$$

(18) ва (19) формулаларни умумлаштирувчи, корреляция коэффициентиди $K=0,97$ бўлган формула қуйидаги кўринишга эга:

$$\eta = 0,651 U^{1,61} L^{0,36}. \quad (19)$$

Технологик катталиқларнинг оптимал қийматларида майда дисперс заррачалардан тозалаш самарадорлигини насадкаларнинг статик қатлами баландлигига боғлиқлиги корреляция коэффициентиди $K=0,99$ бўлган қуйидаги формула билан тавсифланади:

$$\eta = e^{2,95} H^{0,29}.$$

Заррачаларни тозалаш самарадорлигини қурилманинг гидравлик қаршилигига боғлиқлигини тавсифлаш учун олинган эмпирик формула корреляция коэффициентиди $K=0,97$ бўлиб, қуйидаги кўринишга эга:


$$\eta = 0,03142 \Delta P^{1,84}.$$

Таклиф этилган формулалар тажриба қийматлари чегарасида саноат қурилмасини ҳисоблаш ва оптимал катталиқларини аниқлаш учун хизмат қилади.


Диссертациянинг тўртинчи боби «**Майда дисперсли аэрозолларни тозалаш самарадорлигини оширишга қўшимча таъсир қилиш усуллари тадқиқи**» майда дисперс аэрозолларни тозалаш самарадорлигини оширишга қўшимча таъсир этувчи усулларни тадқиқ қилиш натижалари келтирилган. Юқоридаги бобларда келтирилган назарий ва тажриба маълумотлари тўплами шундан гувоҳлик берадики, биз ишлаб чиққан газни тирсакли қувур орқали қабул қилувчи тўғри оқимли чанг тозалаш қурилма майда дисперс заррачаларни тозалаш учун самарали қурилма ҳисобланиб, хусусан, юқори ҳароратли аэрозоллар билан ишлаш имконига ҳам эга. Қурилмада тозалаш жараёни инерцион-турбулентли механизмдан фойдаланиб амалга оширилади ва бунда аэрозолларни тозалашнинг умумий самарадорлигини оширувчи, заррачаларни турбулентли коагуляциялаш ўринлидир. Бироқ, тажриба синови бу самара ўлчами 1 мкм дан кичик бўлган аэрозолларни тозалашнинг зарурий даражасини олиш учун етарли эмаслигини кўрсатди.

Ўлчами 1 мкмдан кичик бўлган аэрозолларни тозалаш самарадорлигини ошириш учун қўшимча таъсир этишнинг газ оқими ҳароратининг фойдаланиш ва сувни газ қувурига пуркаш каби усулларидан фойдаланилди.

Олинган натижалар 8-расмда модель чанг, яъни резина ёнишида ҳосил бўлган тутунни тозалаш самарадорлиги намловчи сув ҳароратига боғлиқлигининг графиги кўринишида келтирилган. Графикдаги 30°C ҳароратли нуқталар тадқиқот натижаларини солиштиришни енгиллаштириш учун хона ҳароратида, яъни иситилмасдан олинган маълумотлар бўйича қурилган. Графикдан кўриниб турибдики, намлашга берилаётган сувни иситиш субмикрон аэрозоллардан тозалаш самарадорлигининг ўсишига олиб келади. Бу, самарадорлик 90% дан кам бўлганда яққол сезилади, масалан, газнинг тезлиги 17 м/с бўлганда иситишсиз самарадорлик 82% ни ташкил этди, 60°C га иситилганда эса самарадорлик 10% га ошиб, қиймати 92% га етди. Бироқ тезлик 20 м/с бўлганда самарадорликнинг ўсиши бор-йўғи 4 % ни ташкил этади ва 96 % га етади.



8-расм. Газнинг турли тезликларида чангни тозалаш самарадорлигини намловчи суюқлик ҳароратига боғлиқлиги ($L=14 \cdot 10^{-3}$ м/с, $H_{ст}=150$ мм).



9-расм. Газларнинг турли тезликларида модель чангни сув пуркаш орқали тозалаш самарадорлигини чангли ҳавонинг ҳароратига боғлиқлиги $L=14 \cdot 10^{-3}$ м/с, $H_{ст}=150$ мм.


Газларни чангдан тозалашда намлашга берилаётган сувни иситиш газ-суюқлик сирт таранглик коэффициентининг камайишига олиб келади ва ўз навбатида молекуляр тортишиш кўрсаткичини, натижада эса тозалаш самарадорлигини оширади.

Тажриба натижалари (9-расм) сув оқимини юқори ҳароратли ҳавонинг газ қузурига майин пуркагич ёрдамида пуркаш усули насадкали чанг тутиш қурилмасини тирсаксимон қувур орқали газ кирувчи қурилма билан комбинациясида субмикрон заррачаларни тозалашнинг юқори самарадорлигига эришиш имконини беришини кўрсатди. Бу ҳодисани суюқликни бериш вақтида томчиларнинг буғланиши ва газнинг намликка тўйиниши билан тушунтириш мумкин. Демак, конденсат аэрозоллари ядро ролини бажаради ва субмикрон ўлчамли қаттиқ заррачаларни йириклашиши учун хизмат қилади.

Шундай қилиб, қаттиқ заррачалар муҳитида суюқлик томчиларини буғланиши ва буғларнинг конденсацияланиш ҳодисалари заррачаларнинг йириклашишида бир хил роль ўйнайди. Бунда суюқликни юпқа сочилиши ва газнинг зарурий даражагача тўйинишига эришиш муҳим. Газларнинг намликка ўта тўйиниши ҳам кутилган натижани бермайди.

Субмикрон заррачаларни тозалашнинг юқори самарадорлигига эришишда газнинг тезлиги алоҳида аҳамиятга эга. Графиклардан шуни кўриш мумкинки (9-расм), 18 м/с дан ошмайдиган тезликларда ҳатто юқори ҳароратли ҳаво қузурига сувни пуркаш орқали заррачаларни йириклаштиришдан фойдаланилганида ҳам тозалашнинг самарадорлиги 96% атрофига тўғри келади.

Тезлик 18 м/с дан юқори бўлиб (10-расм), жараённинг қолган барча катталиклар қийматлари сақланган ҳолда тозалаш самарадорлиги 99% га етади. Шундай қилиб, газ қузурига сувни юборишда юз берадиган заррачаларнинг йириклашувига оқимнинг юқори турбулентлиги ижобий таъсир этади деган хулоса чиқариш мумкин.



10-расм. Пуркалган сув миқдорининг турли қийматларида ҳаво қузурига сув пуркаб берилганда тозалаш самарадорлигининг ҳавонинг ҳароратига боғлиқлиги
 $L=14 \cdot 10^{-3}$ м/с, $H_{ст}=150$ мм, $U=19$ м/с.

Тажрибани ўтказиш давомида қизиган газ иссиқлиги ҳисобига сув ҳарорати 45-52°C гача кўтарилиши кузатилди. Бу ҳолат ҳам тозалаш


самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатди.

Чангли газларни тозалаш учун ишлаб чиқилган тирсакли қурилма Олмалик кон-металлургия комбинатининг марказий таъмирлаш-механик заводидаги металл қуйиш ишлаб чиқаришида саноат синовидан ўтказилди. Чанг тутиш қурилмаси ҳавони лентали конвейер ЛК-12 дан ажралаётган чангдан тозалаш учун аспирация тизими АС-2 га ўрнатилди. Ушбу тизим чанг тозалаш камералари билан таъминланган бўлиб, унинг чанг тозалаш самарадорлиги бор-йўғи 30-40 % ни ташкил этади. Аспирация тизими АС-2 даги вентиляторнинг унумдорлиги 44153 м³/соат, чанг камерасига киришдаги ҳавонинг чанглилиги 5,671 г/нм³, чиқишда эса 3,4 г/нм³ атрофида ўзгарди.

Унумдорлиги 35000 м³/соат бўлган чанг тозалаш қурилмаси газ чиқиш тармоғига чанг тозалаш камерасидан кейин ўрнатилди. Қурилма саноат шароитида унинг оптимал иш катталикларини ва тозалаш самарадорлигига намлаш ва совитишнинг таъсирларини аниқлаш бўйича синовдан ўтказилди.

Қурилманинг ишчи соҳасидаги газнинг тезлиги 16÷20 м/с, суғориш зичлиги 7,4÷14·10⁻³ м/с бўлган шароитда тозалаш самарадорлигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилди. Тажрибаларда ўлчами 40x40 мм, массаси 35 грамм бўлган ҳалқали насадкалардан фойдаланилди. Тажрибадан олдин тозаланаётган газнинг таркиби ва дисперс заррачалари аниқланди. Заррачаларнинг концентрациялари чанг ҳосил қилувчи манбанинг ишлаш босқичларига кўра 3 г/м³дан 4,2 г/м³гача ўзгариши аниқланди. Заррачаларнинг дисперс таркибини аниқлаш натижалари ўлчами 1 мкм дан кичик заррачалар 21-32 % ни ташкил этишини кўрсатди.

11-расмда сув пуркаб берилганда заррачалар дисперс таркибининг турли қийматларида чангли ҳавони тозалаш самарадорлигини газнинг тезлигига боғлиқ ҳолда ўзгариши акс эттирилган бўлиб, бу ердан заррачаларнинг ўлчами 7 мкм дан катта, 7-5 мкм оралиғида, 5-3,2 мкм, 3,2-2,8 мкм, 2,2-1,2 мкм бўлганда тозалаш самарадорлиги 100 % га етиши, заррачалар ўлчами 1,2-0,8 ва 0,8 мкм дан кичик бўлганда эса 96-97 % ни ташкил этишини кўриш мумкин.



11-расм. Заррачалар дисперс таркибининг турли қийматларида чангдан тозалаш самарадорлигини газнинг тезлигига боғлиқлиги ($H_{ст} = 200$ мм ва $L = 14 \cdot 10^{-3}$ м/с, сув пуркаш оқали).

Тирсакли ҳаракатчан насадкали чанг тозалаш қурилмаси Олмалик кон-

металлургия комбинатининг таъмирлаш-механик заводида жорий этишга қабул қилинган. Аспирация тизими АС-2 даги ҳавони лентали конвейер ЛК-12 дан ажралаётган чангдан тозалаш учун битта чанг тозалаш қурилмасини жорий этишдан кутилаётган йиллик иқтисодий самара 62 018 300 сўмни ташкил этади.

ХУЛОСА

Янги, тўғри оқимли тирсақли қурилманинг конструктив хусусиятлари ва гидравлик катталикларини ҳисобга олган ҳолда чанг тозалаш жараёнининг гидродинамик ва иш катталикларига таъсир этувчи омилларни аниқлаш бўйича ўтказилган назарий ва тажрибавий тадқиқотларга асосланиб, қуйидаги умумий хулосалар шакллантирилди:

1. Тирсақли қурилманинг гидравлик қаршилигининг иш катталикларига боғлиқлиги ҳамда ҳаракатчан насадкали тўғри оқимли қурилмада иккита: оқимчали-томчили ва оқимчали-пуркалишли режимлар мавжудлиги аниқланди.

2. Газ-суюқлик ва насадкали қатлам катталикларининг газ сиғими ва ушланилган суюқлик миқдорининг қийматларига таъсири аниқланди. Олинган тенгламалар гидродинамик ва иш катталикларни қурилманинг энергетик сарфига кўра аниқлаш имконини кўрсатди.

3. Уч муҳитли газ-суюқлик қатлами технологик катталикларига кўра цилиндрик координаталар тизимида заррачалар ҳаракатининг математик модели ишлаб чиқилди. Тенгламалар тизими турли ўлчамдаги заррачаларнинг иш соҳасида бўлиш вақтида радиал ва ўқли йўналишлар бўйича координаталарини аниқлашга хизмат қилади.

4. Компьютерда назарий тажрибалар ўтказилди, бу эса субмикрон ўлчамдаги заррачаларни чўктириш самарадорлигининг максимал қийматига мос келувчи чангдан тозалаш жараёни иш катталикларининг оптимал қийматларини аниқлашга хизмат қилади.

5. Қурилманинг чангдантозалаш самарадорлигини назарий аниқлаш бўйича эмпирик тенгламалар олинган ва уларнинг монандлиги тажриба орқали тасдиқланган. Тенгламалар саноат қурилмаларини лойиҳалашда фойдаланилади.

6. Технологик катталикларнинг кенг қамровли ўзгаришида олинган тадқиқот натижалари асосида газларни чангдан тозалаш учун юқори самарали ва энергия тежамкор қурилма ишлаб чиқилган ва ихтирога патент(№ IAP 03839, 12.12.2008г.) олинган.

7. Субмикрон ўлчамдаги заррачаларни тозалаш самарадорлигини оширишга қўшимча таъсир этиш усуллари таъсири тажрибавий йўл билан аниқланган ва юқори ҳароратдаги чангли газ қувирига сувни пуркаш усулидан фойдаланиш натижасида самарадорлик 95-98% га етишига эришилди.

8. Чангли газнинг ҳарорати ва заррачаларнинг дисперс таркибига кўра, яратилган тирсақли қурилмаларни саноат технологик схемаларида қўллаб, самарали тозалаш бўйича тавсиялар таклиф этилди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНЫЙ СОВЕТ
DSc.27.06.2017.Т.03.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

РАХМОНОВ УКТАМ КАМОЛОВИЧ

**СОЗДАНИЕ ВЫСОКОЭФФЕКТИВНОГО МОКРОГО
ПЫЛЕУЛАВЛИВАЮЩЕГО АППАРАТА ДЛЯ ОЧИСТКИ
ПРОМЫШЛЕННЫХ ГАЗОВЫХ ВЫБРОСОВ**

02.00.16 - «Процессы и аппараты химических технологий и пищевых производств»

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/Т36.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трёх (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.tdtu.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель: **Рахмонов Тойир Зойирович**
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты: **Мухиддинов Джалолиддин Насырович**
доктор технических наук, профессор

Авазов Юсуф Шодиевич
доктор философии (PhD) по техническим наукам, доцент

Ведущая организация: **Ташкентский химико-технологический институт**

Защита диссертации состоится «__» __ 2020 года в __ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Т.03.02 при Ташкентском государственном техническом университете по адресу: 100095, г.Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел: (+99871) 246-46-00; факс: (+99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрировано за №__). Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (+99871) 246-03-41.

Автореферат диссертации разослан «__» __ 2020 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» __ 2020 года.)

Н.Р. Юсупбеков

Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней
д.т.н., профессор, академик

У.Ф.Мамиров

Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
доктор философии (PhD) по техническим наукам

Х.З.Игамбердиев

Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В последнее время особое внимание уделяется предотвращению загрязнения воздуха во всем мире. Одной из важнейших проблем в этой области является полное и рациональное использование сырья и энергетических ресурсов, а также защита атмосферного воздуха от вредного воздействия аэрозольных выбросов промышленных предприятий. В связи с этим одним из первичной задачей является ускорение технического и технологического перевооружения предприятий, широкое внедрение современных гибких технологий в ключевые отрасли экономики.

Мировые производственные предприятия проводят научно-исследовательские работы позволяющие повышению продуктивности технологических разработок, сбережению топливно-энергетических ресурсов, снижению себестоимости продукции и повышение их качество, разработать высокоэффективных процессов, разработок и технологий обеспечивающие улучшения экологической обстановки. При этом необходимо разработать усовершенствованные технологии, обеспечивающие энерго - и ресурсосбережение и высокой эффективности очистки частиц субмикронного размера из газовых выбросов различных производственных предприятий.

В республике уделяется большое внимание разработке современных энергосберегающих устройств для очистки пылевых газов, выделяющихся от крупных промышленных, металлургических, химических и горнодобывающих предприятий. В Стратегии по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы обозначены задачи «...сокращения энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкого внедрения в производство энергосберегающих технологий, повышения производительности труда в отраслях экономики»¹. С точки зрения разработки эффективного мокрого пылеулавливающего аппарата для глубокой очистки промышленных газовых выбросов от аэрозолей, удовлетворяющих требованиям высокой эффективности, эксплуатационной надежности, низкой энергоемкости, представляет актуальную и востребованную задачу, от успешного решения которой зависят перспективы сохранения чистоты атмосферного воздуха.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и Постановлениями №ПП-2915 от 21 апреля 2017 года «Правовые основы деятельности инспекции по экологии и защите окружающей среды Республики Узбекистан по контролю за возникновением отходов, их накоплению, хранению, транспортировке, утилизации, переработке, закапыванию», №ПП-3151 от 27 июля 2017 года

¹Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

«О мерах по дальнейшему расширению участия отраслей и сфер экономики в повышении качества подготовки специалистов с высшим образованием» и №ПП-3682 от 27 апреля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов», а также других нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II. «Энергетика, энерго-ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. Теоретические и экспериментальные исследования аппаратов с подвижной насадкой проводились многие зарубежные ученые, такие как Д.А.Баранов, О.С.Балабеков, В.Ф.Беккер, А.Ю.Вальдберг, Ж.Диксон, А.А.Заминян, С.Калверт, И.Ф.Киссельман, С.Паджиол, В.Н.Рамм, В.Страус, В.Г.Систер, Э.Я.Тарат, В.И.Энтин, Н.В.Фрякин и др., а также отечественные ученые В.И.Левш, Дж.Н.Мухиддинов, З.С.Салимов, Н.Р.Юсупбеков, А.Т.Саидазимов и др.

В научных разработках этих ученых изучено, механизмы создания трехфазного подвижного слоя, влияние различных рабочих параметров на эффективность пылеулавливания, теоретическое основы определение газосодержание трехфазного слоя, количества удержания жидкости в турбулентном потоке, вопросы практической применении и эксплуатации различных конструкций пылеулавливающих аппаратов с трехфазным псевдооживленном (подвижным) слоем.

